

## **Бошлангич синфларда таълим-тарбия беришда анъана, урф-одатларнинг аҳамияти**

**Рафиқов И.Ғ. ТерДУ**

Тарбия маълум мақсадга қаратилган шахсни маънавий ва жисмоний шакллантириш жараёнидир. Миллий тарбия ёки бу халқнинг минг-минглаб йиллар мобайнида йиғилган тажрибада синалган маънавий, ҳаётий қадриятлари асосида ёш авлодни келажак мақсади йўлида мос ҳолда ҳаётга, яшашга, меҳнатга тайёрлаш тизимларидир. Таълим-тарбиянинг замон талаби, жамиятнинг ва мавжуд шарт-шароитга мослиги қонунияти тарбиянинг миллийлигида ўз ифодасини топади. Муҳтарам биринчи президентимизнинг “Юксак маънавият енгилмас куч” асарида таъкидлаганидек: “Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, халқимиз томонидан узоқ йиллар давомида синалган ҳаётий фалсафадир”. Миллий тарбия бу ҳаёт фалсафасидир. Миллий мафкура ва миллий тарбия миллийлик томонидан бир-бирини тўлдиради. Тарбияда миллийлик ва умуминсонийлик ғоялари бир-биридан озикланиб ривожланади. Лекин умуминсоний қадриятларни бошқа миллатнинг удумлари, анъаналари тарбия жараёнида фойдаланишда миллий мафкура маънавий борлик вазифасини бажаради.

Тарихдан маълумки, ҳар бир халқ ўз тарихини англаши, у билан фахрланиши, урф-одатларини, анъаналарини чуқур ҳис қилиши билан бирга ундан фахрланиши, жамоа ва шахс ривож топишининг омилidir.

Муҳтарам биринчи президентимиз “Баркамол авлод орзуси” асарида шундай таъкидлайдилар: “Мен Абдулла Авлонийнинг: Тарбия биз учун ё ҳаёт-ё мамот, ё нажот-ё ҳалокат, ё саодат-ё фалокат масаласидир”, деган фикрини кўп мушоҳада қиламан.

Тарбия ижтимоий – тарихий зарурият ва эҳтиёждир. Шундай қилиб ҳар бир миллатнинг бола тарбиясидаги анъаналарининг хусусиятларига хос бўлган миллий тарбияси ўша миллатнинг яшаш жараёнида, оила эҳтиёжлари асосида юзага келган. Бу хусусиятлар асрлар оша аждод – авлодлар синовидан ўтиб, сайқал топиб мукаммаллашган.

Ёш авлод тарбиясида миллий анъаналар руҳида тарбиялашимиз керак деб таъкидлаймиз. Бунинг учун “анъана” ўзи нима, уларга нималар киради, шуларни билиб олишимиз керак.

“Анъана” аслида арабча сўз бўлиб, узоқ замонлардан бери аждодлардан-авлодларга, оталардан – болаларга ўтиб давом этиб келган урф-одатлар, ахлоқ меъёрлари, қарашлар ва шу кабилардир. Анъана ижтимоий ва маданий меросдир. Улар иқтисодий, миллий, касбий, жанговар, илмий, оилавий анъаналар сифатида жамиятда ижтимоий гуруҳ ва синфлар орасида кенг ёйилган. Кўпгина халқ анъаналари халқ донишмандлигининг маҳсули ва эстетик қиммати билан кишиларни, шу жумладан, ёшларни ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда катта рол ўйнаши мумкин, улар ахлоққа, кишиларнинг дид ва эътиқодида фаол таъсир этиш кучига эгадир.

Анъана ҳақида олимларимиз шундай фикр билдирган. “Кенг маъноли анъаналар ҳозирги замонни ўтмиш ва келажак замон билан у ёки бу тарзда боғлайди, шу билан бирга анъаналарнинг мазмуни аҳамияти ҳар бир даврнинг аниқ ижтимоий – иқтисодий

шароитлари билан белгиланади: ҳар бир анъана ўзининг вужудга келиши, ривожланиши ва ўзгариши тарихига эга. Анъаналар ижтимоий турмушнинг ажралмас таркибий қисми бўлиб, ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётда ахлоқ, этика ва эстетика тамойилларида муайян тарихий даврдаги одамларнинг реал муносабатларини ифодаловчи бадий образларда ўз аксини топади.

Анъаналар урф – одатлардан кўра кенгрок тушунчадир. Урф – одат турли анъаналарнинг турли, хусусан турмуш ва ахлоқ анъаналарининг тамойилларидан биридир. Енг яхши урф–одатлар анъанага айланади. Урф – одатлари ижтимоий онгнинг турмушдаги маънавий меъёрлари ҳақида гап борадиган ахлоқ, ҳаётий воқеалар кўринишида ўз аксини топган.

Фикримизнинг далили сифатида халқ оғзаки ижодидаги “Алпомиш” достонидан мисол келтирамиз:

Қадим замонда Қўнғирот элида Бойбўри ва Бойсари деган ака – укалар яшаган экан. Бойбўри ўғил фарзанд кўрибди. Унга Ҳакимбек деб исм қўйишибди. Бойсари эса қиз фарзанд кўрибди, унга Барчиной деб исм қўйишибди. Хонадонларда хурсандчилик бўлибди.

Кундан кун ўтибди. Ойдан ой ўтибди. Болаларнинг тили чиқибди. Ҳакимбек билан Барчиной тўрт ёшга етганда уларни мадрасага ўқишга берибдилар. Уларнинг саводи чиқибди. Мулло бўлибди.

Энди Бойбўри ўғлига шоҳлик, сипоҳлик илмини ўргатмоқчи бўлибди.

Уни камон отиш, найза санчиш, кураш тушиш амалларини ўргатувчи устозлар кўлига топширибди. Ҳакимбек олти ёшга тўлганида машҳур қосим мерганга шогирд тушибди, устози болага олти ой давомида мерганликдан сабоқ берибди. Ҳакимбекка ёй тортишни ўргатибди.

Ҳакимбекнинг бобосидан қолган ўн тўрт ярим ботмон келадиган палаҳмон ёйи бор экан. Уни ҳеч ким жойидан қўзғатолмас экан. Бир куни Ҳакимбек ана шу ёйни кўлида ушлаб кўтариб туриб, сўнг қўйиб юборибди. Ёйнинг ўқи яшиндек бўлиб кетибди, ўқ Аскар тоғнинг баланд чўққисини юлиб ўтибди. Шундан сўнг Ҳакимбекнинг ёйни кўтаргани ҳақидаги овоза оламга ёйилибди.

Халқ йиғилибди. Улар ичидан бир донишманд чиқиб:

Дунёда бир кам тўқсон алп ўтган эди. Шу алпларнинг бошлиғи Рустам достон эди. Охири Алпомиш алп бўлсин. Шунда тўқсон алпнинг қаторидан жой олади, - дебди.

Шундай қилиб Ҳакимбек алп бўлиб, тўқсон алпнинг бири бўлиб қаторга қўшилди.

Маълумки, ҳар бир янги авлод ҳаётга келиши билан тайёр турмуш шароитига қадам қўяди, катталарнинг меҳнат малакалари, ахлоқий хусусиятлари, анъаналари, урф – одатлари ва одоб қоидалари ифодаланган тажрибаларга дуч келади.

Янги авлод буларнинг барчасини эгаллайди, мустаҳкамлаб, янги тажрибалар билан бойитади ва келгуси авлодларга топширилади.

Муҳтарам биринчи президентимиз “Барчамизга маълумки, инсон ўзлигини англагани, насл – насабини чуқурроқ билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб боради. Бу илдиз қанча теран бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар юксак бўлади”, - деган эдилар.

Анъана, урф – одат, удумларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин: одоб-ахлоқ анъаналари, дам олишни йўлга қўйиш билан боғлиқ анъаналар, уй ва ҳовлиларни саранжом – саришта тутиш, покиза сақлаш, дарахтлар экиш ва уларни парвариш қилиш, катталар ва кексаларни эъзозлаш ватанпарварлик билан боғлиқ бўлган анъаналар, халқ сайллари “Наврўз байрами” ва шу кабилар.

Дунёда ҳамма миллатнинг ўзига хос турмуш тарзи, ўтмиш ҳаёти ва келажак билан чамбарчас боғлиқ анъаналари мавжуд, аجدодларимиз меросини ўрганишимиз ва уларни ўсиб келаётган авлодга ўргатишимиз жуда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбек оилаларидаги ўғил ва қизларга алоҳида жинсига мос ишларни ўргатилиши, уларни ҳаётда ўз ўрнини эгаллашларида муҳим туртки бўлади ва шу билан биргаликда жамият тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшадилар.

#### Адабиётлар

1. Sh.M.Mirziyoev “Erkin va farovon , demokratik O’zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. Toshkent – O’zbekiston – 2016 yil 14-bet.
2. И.А.Каримов “Юксак маънавият енгилмас куч”. “Тошкент маънавият” 2008-йил.
3. И.А.Каримов “Баркамол авлод орзуси” Тошкент.2000
- 4.Халқ оғзаки ижодиёти “Алпомиш” достони.